14-897


# ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН НАШР ЭТИЛА БОШЛАГАН

1997 йил

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

18 июл, № 29 (3504)


## ОЗОД ЭЛНИНГ ҚАНОТИ

### *Нефт ва ғалла мустақиллигининг ойдин йўлида*

Ҳар қандай мамлакат мустақиллигининг асоси унинг иқтисодий мустақиллигидадир. Сиёсий мустақиллик иқтисодий мустақилликдан куч-қудрат олади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг ёнилғи энергетика мустақиллигини таъминлаш юртимиз истиқлолининг илк кунлариданоқ давлат сиёсатининг муҳим йўналишига айланди. Бир журналист сифатида ёнилғи-энергетика мустақиллигини таъмин этаётган улкан корхоналар қурилишида бир неча бор бўлишимга тўғри келган. Шу ҳафта бошида ишга туширилган Кўкдумалоқ компрессор станцияси ҳам бутун халқимиз ифтихор этса арзийдиган ноёб иншоотлардан биридир. Икки йил муқаддам ишга тушган шу жойдаги улкан нефт ва газ конденсати конлари мажмуида бу иншоотнинг қурилишига киришилган эди. Бўлғуси иншоотнинг ноёб қурилмалари ўша пайтдаёқ хориждан келтирилаётганига гувоҳ бўлганмиз. Биз кон мажмуи дарвозасидан кираверишдаги майдончада эндигина контейнерлардан туширилиб, сафга тизилаётган ноёб ускуналарни кўрганимизда улуғ бир ҳайратга чўмган эдик. Бу ҳайратлар юртимиз жаҳон билан, жаҳоннинг энг илғор ва обрўли ташкилотлари билан алоқа ўрната бошлагани — бу алоқалар халқаро майдонда Ўзбекистоннинг обрў-эътиборини оширибгина қолмай мамлакат ёнилғи-энергетика мустақиллигини таъминлашда муҳим ўрин тутажағини англашдан туғилган эди.

Бугун ана шу ноёб иншоот ишга тушди. У аллақачон нефт мустақиллигига эришиб бўлган мамлакатимиз иқтисодиётини кўтарадиган яна бир қудратли қанот бўлди. Бир неча босқичли мураккаб технологик жараёнларни амалга оширувчи бу улкан иншоотнинг иш тартибини менга Кўкдумалоқ нефт конлари мажмуи бошлиғи Қаҳрамон Қурбонов соддароқ қилиб тушунтириб берди. Ер атламларидаги газ конденсати аралашган нефт бирикмалари қудратли насослар ёрдамида юқорига тортиб олинади. Жаҳондаги нефт саноатига эга кўплаб ривожланган мамлакатларда бу борада турли хил технологиялар қўлланиб келинмоқда. Масалан, айрим мамлакатларда ер тубидаги жуда катта миқдордаги ёнилғини юқорига чиқариш учун ана шу бойликлар ётган ер ости қатламларига катта миқдорда сув юборилиб, кучли босим ҳосил қилинади. Ва ёнилғи бирикмалари табиий равишда юқорига кўтарилиб чиқади. Кўкдумалоқ конларидаги ёнилғи бойликларимизни ер юзасига чиқариш учун эса Американинг жаҳонга машҳур «М.Ю.Келлогг» ва «Дрессер» компанияларининг технологиялари танланди. Унга кўра ер тубидан олинаётган нефт ва газ бирикмалари кон мажмуида дастлабки саралашдан ўтказилгач, унинг таркибидаги газ ер ости қатламларига қайтадан юборилади. Ва кучли босим ҳосил қилиб биз учун керакли ёнилғи бойликларининг ер юзасига табиий равишда чиқишини таъминлайди.

Бу технологияни амалга ошириш учун кучли компрессор станцияси зарур эди. Кўкдумалоқ конлари фойдаланишга топширилган илк кунлариданоқ ушбу станцияни бунёд этишга киришилди. Мана бугун Ўзбекистонга, унинг дадил қадамлари ва ёрқин истиқболига катта ишонч билан қараган халқаро молия ташкилотлари, машҳур хорижий фирма ва компаниялар ҳамкорлигида ушбу станция қурилиб ишга туширилди. Қоровулбозорда Бухоро нефт заводи ишга туширилиши арафасида мамлакатимиз нефт саноати таркибида янги иншоотнинг фойдаланишга топширилиши жуда катта воқеадир. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Кўкдумалоқ компрессор станцияси қурилиши қатнашчиларига йўллаган табрикномасида шундай дейилади: «Республикамизнинг бой нефт-газ потенциали Ўзбекистоннинг энергетика мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш, халқимиз фаровонлигини ошириш учун олдимизда янги имкониятлар ва истиқболлар очади».

Бу истиқболнинг ваъдаси улуғ. Ҳамманинг нигоҳи ва ишончи ана шу истиқболда. Кўкдумалоқ шундай ноёб бир конки, у ўзида ҳам нефтни, ҳам газ сингари нодир бойликларимизни мужассам этган. Янги компрессор станцияси нефт ва газ конденсатини Қоровулбозордаги янги нефтни қайта ишлаш заводига юбориб турса, таркибидаги газни эса Муборак газни қайта ишлаш заводига йўллайди. Шу муносабат билан ўтган йилнинг охирида бу улкан корхонада янги қувватлар ишга туширилди.

Кўкдумалоқ ва унинг атрофидаги ўнлаб конлар орқали таъмин этилаётган Муборак ва Қоровулбозордаги улкан ёнилғини қайта ишлаш корхоналари озод элимизнинг қўш қанотларидир.

Биз ана шу улкан корхоналар ёнидан улуғ ҳайрат ва ифтихорга тўлиб ўтиб борар эканмиз, юртимизнинг яна бир манзараси кўзимизга иссиқ кўринди. Бу озод Ўзбекистоннинг поёнсиз ғаллазорлари эди. Яқин 7-8 йил олдин юртимизнинг нефт мустақиллигини тасаввур этиб бўлмагани каби нуқул пахтадан иборат кенг далалар ўрнида шундай бўлиқ ғаллазорлар ястаниб ётишини ҳам тасаввур этиб бўлмасди.

Мустақиллик тасаввурларимизнигина ўзгартириб қолгани йўқ. У ҳаёт тарзимизга айланди. Элнинг ишончу истиқболига қанот бўлди. Нефти йўқ мамлакатнинг иқтисодиёти қанчалик оқсаса, нефтга бой мамлакатлар юргизаётган сиёсат билан ҳисоблашишга мажбур бўлса, ғалласи йўқ мамлакатларнинг аҳволи ҳам шундай бўлади. Чунки бугун ҳатто XXI аср бўсағасида ҳам ғалла ва нефт фақат иқтисодий масалагина бўлиб қолмай муҳим сиёсий масала ҳам бўлиб турибди. Шунинг учун ҳам шўролар тузумининг бир ёқлама иқтисодий тизимлари мустақиллик даврида тамоман қайта қурилди. Ўзбек деҳқони пахтасини океан ортига сотиб, унинг эвазига ғалла келтиришдан кўра пахтасининг бир қисми ўрнида — ўз даласида дон етиштириб, ўз тегирмонида ун тортиб нон ёпишни афзал кўрди. Бу йил 1,5 миллион гектардан ортиқ майдондаги ғаллазорларимизда мўл ҳосил етиштирилди. Унинг асосий қисми ўриб йиғиштириб олинди. Вилоятлар изидан вилоятлар ғалла режаларини бажаришмоқда. Элнинг хирмонлари донга тўлаётган шу кунларда далага чиққан одамнинг кўзи яшнайди. Ғалласи пешма-пеш ўриб олинган далалар ҳайдалиб, унинг ўрнига иккинчи экин — дастурхонимизни серфайз қиладиган ноз-неъматлар экилаётганини кўриб уста деҳқонларга тасанно айтасиз.

Албатта, бу деҳқоннинг ташвиши оз эмас. «Кейс»лар ўриб ўтган ғаллазорларни такрорий экинга ҳозирлаётган деҳқон баъзан ўз томорқасида бир ой олдин пишиб етилган ғалласини ўриб ололмаётганидан ташвишда. Бироқ унинг кўнгли тўқ. Бугун бўлмаса эртага хирмони донга тўлади. Келаси ёзгача омборидан дону ун аримайди. Бу манзара элнинг ҳар бир фуқаросини қувонтирмаслиги мумкин эмас.

Рўй-рост айтиш керакки, бу йилги ғалла ўрим-йиғими деҳқон учун ҳам, раҳбар-мутахассислар учун ҳам катта синов бўлди. Ғалла поёнсиз майдонларда бир пайтда пишиб етилади. Уни ўз вақтида йиғиб олган деҳқон ютади. Исрофгарчиликнинг олди олинади. Техникаси шай бўлмаган, даласини ўт босиб ётган хўжаликлар эса доғда қолиши турган гап. Мана шунинг учун республикамизнинг ғаллакор вилоятларида бу ишга катта масъулият ҳисси билан қаралди. Юртга эгалик, ўз халқинг учун жон куйдира билиш туйғуси ана шундай масъулиятли дамларда яққол сезилди. Айрим туманларида катта-катта майдонлардаги ғаллани дўл уриб кетганини ҳам айтмай бўлмайди. Лекин деҳқон нобуд бўлган ризқ-рўзига қанчалик ичи ачимасин руҳини туширмади. Бор ҳосилни нес-нобуд қилмай йиғиштириб олиш эвазига элнинг эҳтиёжини таъминлаш унинг бош мақсадига айланди. Жиззах вилояти ҳокими Шавкат Мирзиёевнинг Зоминда ўтказилган ёш ижодкорлар кенгашидаги сўзидан маълум бўлишича, вилоятнинг бир неча минг гектар лалми ҳамда сувли ғаллазорлари табиий офатдан зарар кўрган. Бироқ вилоятнинг айрим туманларида ҳар гектаридан 73 центнердан ошириб ғалла олган хўжаликлар бор. Ана шу хўжаликлар элнинг белига қувват бўлмоқда. Ўша кунлари биз вилоятнинг ҳар бир раҳбари бор ғаллани тез хирмонларга уйиш ташвиши билан яшаётганининг гувоҳи бўлдик. Жиззах вилоятининг мафкура ишларига раҳбарлик қилаётган ҳоким ўринбосари Сайёра Тўйчиеванинг ҳам фикри-зикри ғаллазорларда эди. У ўзига бириктилган тумандаги ҳар бир хўжаликни, ишлаётган ҳар бир комбайнни ва унинг бошқарувчиларини беш панжасидек биларди. Комбайнлар кечаю кундуз қандай ишлаётгани, унинг бошқарувчилари қандай дам олаётгани, қайси бири хориб-чарчаб, издан чиқиб усталарга муҳтож эканлиги ҳам унинг диққат-эътиборида эди.

Элимизнинг мана шундай жонкуяр раҳбарлари бош бўлган жойларда ғалламиз, донимиз хирмонларга тезроқ уйилмоқда.

Донимиз, нонимиз хирмонларга тўла-тўкис уйилиб бўлган кун бу ишга бош-қош бўлган мутасаддилар эл раҳматини олиши шубҳасиз. Зеро, нефт мустақиллиги каби ғалла мустақиллиги ҳам ўз қўлимизда.

**Мурод АБДУЛЛАЕВ**



## ТАРАДДУД

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йилдаги «Республика музейлари фаолиятини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори юзасидан шу бугунгача бир қанча ишлар амалга оширилди. Кўпгина вилоятлардаги музейларда таъмирлаш ишлари олиб борилди. Анчагина музейлар фонди янги асарлар билан бойиди, шунингдек, музейларнинг янги бинолари ҳам ишга тушди. Айниқса, республикамизда Темурийлар тарихи давлат музейининг очилиши катта воқеа бўлди. Ҳали бу соҳада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳам талайгина. Мамлакатимиздаги 68 та музейнинг ҳаммасида ҳам аҳвол қониқарли деб бўлмайди. Шундай музейлар борки, жойлардаги маданият бошқармаларининг бошлиқлари ҳатто уларни бориб кўрмаганлар ҳам. Кўпгина вилоятларнинг музейларида китобларнинг сақланиши ночор аҳволда. Ҳатто шўролар даврига, коммунистик мафкурага оид санъат асарлари ҳамон сақланиб келинаётган музейлар учрамоқда. Хуллас, бугунги кунда музейлар иш фаолиятини янада яхшилаш бўйича бажариладиган ишлар ўз ечимини кутиб турибди.

Ўтган жума куни Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг навбатдаги ҳайъат йиғилишида вазирликнинг музейлар ишлари бўйича бошқарма бошлиғи Барно Раҳимова ана шулар ҳақида ҳисобот берди.

Ҳайъат йиғилишида, шунингдек, республикамизда кетма-кет ўтадиган учта йирик тадбирга тайёргарлик ва уларни ўтказиш борасида ҳам келишиб олинди. Аввало, республикамиз мустақиллигининг 6 йиллигини муносиб нишонлаш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида Маданият ишлари вазири ўринбосари

### *ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИДА*

М. Абдуқундузов сўзлади. Бу йил мустақиллик майдонида ўтадиган байрам тантаналари машҳур шоиримиз Абдулла Орипов сценарийси асосида тайёрланади. Ҳозирги кунда барча вилоят маданият бошқармалари ана шу тантаналарда қатнашадиган жамоаларни тайёрлаш ишлари билан бандлар. Байрамга тайёргарлик ва уни муносиб ўтказиш юзасидан 28 кишидан иборат ишчи гуруҳ тузилган.

Шунингдек, республикамизда илк бора ўтказилаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ҳам бу йил ўтадиган анжуманларнинг энг асосийларидан бири бўлиши, шубҳасиздир. Шу кунгача таклиф қилинган 38 мамлакатдан 20 дан ортиғидан маълумотлар олинди. Ҳозир фестивал ўтадиган Самарқанд шаҳрида тайёргарлик ишлари қизғин. Ана шулар юзасидан халқаро фестивални ўтказиш бўйича республика дирекцияси раҳбари Саидамин Аҳроров гапирди.

Учинчи катта тадбир Ўзбекистонда ўтадиган қўшиқ байрамидир. Ҳозиргача республикамиз вилоятларида бу қўшиқ байрамининг якунловчи тадбирлари ўтказиб бўлинди. 17 август куни бутун республикамиз қўшиқ байрами масканига айланади. Ўша куни Халқлар дўстлиги саройида кўрик ғолибларининг якунловчи концерти ўтказилади.

Хуллас, ҳозир барча ишлар мана шу йирик тадбирларни юқори савияда ва кўнгилдагидек ўтказишга қаратилган.

Ҳайъат йиғилишида бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Йиғилиш сўнгида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ҳайъат йиғилишини Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Баҳодир Абдураҳимов олиб борди.

Йиғилишда Қорақалпоғистон республикаси ва барча вилоятларнинг маданият бошқармалари бошлиқлари, театр режиссёрлари ва рассомлари, музейларга мутасадди ходимлар иштирок этдилар.

## ҲАЖВДАГИ ДОНОЛИК



Неъмат Аминов Бухоронинг ўлмас кулгисини, ўзига хос қаҳқаҳа оламини, бетакрор ҳажвий қаҳрамонларини юксак маҳорат билан адабиётимизга олиб кирган истеъдод соҳиби. У киши айрим ёзувчиларга ўхшаб ҳаётдан атай қаҳрамон қидирмайди. Умуман Неъмат Аминов ижодида тўқима ёки ўйлаб топилган қаҳрамонларни деярли учратмайсиз. Сиз бу қаҳрамонларни яхши танийсиз, айнан кўргансиз, яқиндан биласиз ёки улар қайсидир жиҳатлари билан сизга ҳам ўхшайди. Шунда беихтиёр куласиз, куласизу «дардингиз» ичингизда кетади. Назаримда, қармоққа тушган балиққа ўхшаб қаҳрамонлари Неъмат акани ўзлари излаб келади ёки ўзлари рўпара бўлади. Улар ёзувчига «акажон, мани бир ёзсангизчи» деб мурожаат қилаётгандек туюлади. Неъмат ака эса уларни бирма-бир саралаб гоҳ фелетон, гоҳ ҳажвия, гоҳ ҳикоя, гоҳ роман саҳифаларига қимирламайдиган, анча-мунчага ўчиб кетмайдиган, ўқиган сари мазза қиладиган даражада михлаб ташлайди. Ҳар бирида бир иллати, қусури бор бу қаҳрамонларни тилдан тилга кўчиб юрадиган характерга айлантиради. Шу боис Неъмат Аминовнинг ҳар бир янги асари тез тилга тушади, одамлар ўртасида шов-шув бўлиб кетади. Саид Аҳмад ака айтганидек: «Неъмат Аминовнинг ризқи ҳар ерга сочилган. Ҳажв донини қушга ўхшаб чўқиб олаверади. У ёзиб улгурмаган ёки ёзишга қўли тегмаган ҳажвияларини оғзаки ҳикояларга айлантириб, ниҳоятда санъаткорона ўқийди».

Хуллас, Неъмат Аминов кулгуси, у яратган ҳажвий алам ҳеч қачон қаримайди, кўнглингизга урмайди. Чунки бу кулгида донолик бор, бу ҳажвда ҳикмат мужассам. Доно сўз каби, доно кулгининг умри ҳам боқийдир.

Неъмат Аминовдек ҳажвчи бўлиш ҳар қандай истеъдод соҳибига насиб этавермайди. Бундай ёзувчилар халқимизнинг ҳам, адабиётимизнинг ҳам фахри ва бахти. У кишининг «Икки пуллик обрў», «Қирқ учинчи почча», «Лабиҳовуз хандалари», «Жигари тўкилди», «Тилло табассумлар», «Чинорлар қўшиғи» китоблари аллақачон кулгисевар китобхонларнинг маънавий мулкига айланган. Ўтган йили чоп этилган «Бир аср ҳикояти» («Темирчидан қолган тиллолар») китоби ҳам янгилик бўлди. Китобга донишманд ота — адибнинг падари бузруквори Усто Амин Нуруллобой ўғлининг салкам юз йиллик хотиралари асос бўлган.

Биринчи ўзбек ҳажвий романи — «Ёлғончи фаришталар» адабиётимизнинг олтин фондидан ўрин олди. Китобхонларнинг, мутахассисларнинг, ёзувчиларнинг юксак баҳосига сазовор бўлди.

Айни кунларда «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни томонидан «XX аср ўзбек романи» туркумидан чоп этилган ушбу асар қўлма-қўл бўлиб кетди.

Неъмат Аминов ҳаётда ҳам, ижодда ҳам ҳалоллик, имон ва ҳақиқат йўлини мустаҳкам тутган адиб. У киши: «Роман ёзганда ҳам, бир бет ҳикоя ёзганда ҳам имон билан ёзиш керак. Адабиёт аслида имон дегани» дея кўп такрорлайдилар. Ва бу сўзларни ўз ижодларига, ҳаётларига қатъий шиор қилиб олганлар.

Севимли ҳажвчи ёзувчимиз Неъмат Аминов куни кеча 60 ёшга тўлдилар. Қутлуғ ёшингиз муборак бўлсин! Оллоҳ берган умрингизни, истеъдодингизни мустақил Ўзбекистонимизнинг маънавияти ва адабиётини юксалтиришга фидо этишингизга ҳаммамиз ишонамиз!

**Ашурали ЖЎРАЕВ**

*ШЕЪРИЙ ЛАҲЗА*

### *Чўлпон таваллудининг 100 йиллигига*

## ЧЎЛПОНДУР УЛ

**Бу кўнгилнинг муҳаббати дунёга ҳусн эди,**
**Орзулари кўп эди, кўк қадар узун эди,**
**Тонгу шом «Эркинг кўрай элим, улусим» деди,**
**Қат-қатлари ингроқли шикаста сўзондир ул,**
**Тун бағридан тонгларга узанган Чўлпондур ул.**

**Ошиқдур ул кундан-да, ойдан-да гўзал ёрга,**
**Сирдошдир ул кўз ёшлари ёмғир-ёмғир баҳорга,**
**Тунлари шифо тилаб дардин тўкодир дорга,**
**Қат-қатлари ингроқли шикаста сўзондир ул,**
**Тун бағридан тонгларга узанган Чўлпондур ул.**

**Қўлда кишан кул излаб келган лаҳза ялмоғиз,**
**«Бўйин эгма ки ҳурсан» деб бўзлаган чанқовуз,**
**Ўт туйғулар тўкилиб битилмиш «Кеча-кундуз»,**
**Қат-қатлари ингроқли шикаста сўзондир ул,**
**Тун бағридан тонгларга уланган Чўлпондур ул.**

**Ваҳким, офтоблар озғин, зулмат семирган кунлар,**
**Мўмин элнинг кўксини сичқон кемирган кунлар,**
**Эрк деган тил кесилган қалбсиз темиртан кунлар**
**«Халқ денгиздир, халқ кучдир» деб куйган сўзондир ул,**
**Тун бағридан тонгларга узанган Чўлпондур ул.**

**Айтинг, нурга ўқ отиб ё тиғ санчиб бўларми?**
**Ҳар боласи тола нур элни янчиб бўларми?**
**Озодлик топмагунча юрак тинчиб бўларми?**
**Оққан дарё оқажак оқ ният сўзондир ул,**
**Тун бағридан тонгларга узанган Чўлпондур ул.**

**Ҳурлик деган боласин энди ҳур он йўқлайдур,**
**Кундан, ойдин-да гўзал гавҳар, дур он йўқлайдур.**
**Қалб тўла меҳрин тутиб аҳли Турон йўқлайдур.**
**Булбулдек янгроқ созли 100 ёшли сўзондир ул,**
**Тун бағридан тонгларга узанган Чўлпондур ул.**

**Замира РЎЗИЕВА**




**ШАРҚ НАВОЛАРИ: ТАРИХ, ТАҚДИР ВА МУАММОЛАР**

5-бет

## ТАФАККУР ҚАНОТЛАРИ

***Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти мамлакатимизда китоб нашри борасида нуфузли муассасалардан бири ҳисобланади. Бу нашриётда алломаларимизнинг, катта-катта ёзувчи ва шоирларнинг, таржимон ва олимларнинг халқимиз қўлидан туширмай ўқиб келаётган асарлари чоп этилган. Чунончи, Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикматлар»и, «Темур тузуклари»нинг ўзбек, инглиз, француз тилларидаги нашри, Мирзаолим Мушрифнинг «Қўқон хонлиги тарихи», «Абдурауф Фитратнинг «Чин севиш», Абдулла Қодирийнинг асл нусхадаги «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» романлари, хуллас, жуда кўплаб ажойиб асарлар бизни қувонтиради. Бу йил нашриётда китоблар қатори Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишланган албом, плакат, откритка, буклетлар нашр этилмоқда.***

***Нашриёт директори Шоир Зокирович Усмонхўжаев билан бўлган қуйидаги суҳбатимиз жамоанинг режалари ва муаммолари ҳақида борди.***

**— Ҳозир бозор иқтисоди даврида яшаяпмиз. Бундай шароитда китобхонга манзур бўладиган қандай асарлар чоп этилаяпти ва уларнинг ўқувчи қўлига етиб бориши қандай кетяпти?**

— Чиндан ҳам, бозор иқтисодиёти каттаниям, кичикниям ўйлатадиган, тадбиркорлик ва ақлни пешлаб изланишларга ундайдиган муаммоларни келтириб чиқармоқда. Биринчи муаммо харидор талабини ўрганиш, унинг руҳий эҳтиёжларини ҳисобга олиш, маънавий бисотини бойитиш ва шу нуқтаи назардан нашр режаларини оқилона тузиб чиқишдир.

Бугунги китобхонга унинг руҳини бойитадиган бадиий китоблар, унинг тафаккурини чархлайдиган илмий рисолалар, шунингдек, кундалик ҳаётда унга ёрдам берадиган қўлланмалар зарур. Бу замон олдимизга қўяётган талаб, бошқача қилиб айтганда, эндиликда уйдаги гап кўчага тўғри келиши керак. Бу гапнинг маъноси нашриётнинг чоп этиш режалаштирилаётган китоблари ҳали режалаштирилмай туриб, ўз харидорига эга бўлиши лозим.

**— Бугунги кунда китоблар кўп чоп этилмаяпти, деган гапларни ҳам эшитиб қоламиз. Ваҳоланки, пойтахтимиздаги барча нашриётларда иқтисодий қийинчиликни енгган ҳолда тарихимизни ёритиб берадиган, қадриятларимизни тиклайдиган, ота-боболаримизнинг ақлимизни лол қолдирадиган ишлари ҳақидаги асарлари кўплаб чиқарилаяпти. Чунончи, Ғафур Ғулом нашриётида Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан ўндан ортиқ китоб ва албомлар чоп этилди. «Ўзбекистон» нашриёти, «Ўқитувчи», Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриётида, «Ёзувчи», «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриётида ва бошқаларда ҳам соҳибқирон бобомиз таваллудларига тўёна сифатида кўплаб китоблар босмадан чиқарилди...**

— Умуман, вилоятлар ҳокимликлари қошида жами кутубхоналарнинг эҳтиёжини ўрганадиган, уларни зарур адабиётлар билан таъминлайдиган ташкилотлар тузилиши, нашриёт — кутубхона-ўқувчи тизимини шу ташкилот орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлур эди, деб ўйлайман. Бу ўз ўрнида ҳам китоб тарқатиш ҳиссадорлик жамиятига ёрдам беради, ҳам нашриётлар ишини осонлаштиради. Шундай қилинса, узоқ қишлоқлардаги кутубхоналарга-ю, чекка-чекка жойларга китоблар бемалол етиб боради.

**— Китоб нашр этишда бозор иқтисодига ўтиш даврининг ўзига хос талаблари қандай кечаяпти? Ношир ёки муаллиф ўзи хоҳлаган китобни нашр этиши мумкинми?**

— Биз ҳам гоҳида «Ношир ёки муаллиф ўзи хоҳлаган китобни нашр этиши мумкин», деган гапларни эшитиб қоламиз. Аслида бундай эмас, ҳар ким истаган китобини нашр эта олмайди. Чиқадиган китоб аввал нашриётнинг ижодий гуруҳи назаридан ўтмоғи керак. Шунда бугунги ижтимоий, маданий ҳаётимиз талабларига жавоб берадиган, мустақиллик, истиқлол ҳақиқатини ёритадиган асарлар танлаб олинади. Қолаверса, ҳар бир китобнинг моддий томонини ҳам ўйлаш зарур. Афсуски, баъзан ношир билан муаллиф орасида бу хусусда баҳслар

**Давоми иккинчи бетда**

*Мулоҳаза*

## ХОНАДОНЛАРИМИЗ ФАЙЗИ

Мустақиллик шароитида қадриятларимизни, урф-одатлдаримизни тиклар эканмиз, бу жараёнда долзарб масалаларнинг юзага чиқиши табиий. Шу маънода хона жиҳозлари, уларнинг суратларда, хусусан, миниатюраларда акс эттирилиши масаласи кўпчиликни қизиқтириб келади. Чунки миллий қадриятларимизни тиклаш жараёнида, шубҳасиз, хонадонларимизни миллий руҳда жиҳозлашга интилиш пайдо бўлади. Бунинг учун, аввало, қадимги мебеллар турини, шаклини билиш зарур. Умуман, уй жиҳозлари ва мебеллар маданият ҳамда амалий санъатнинг махсус қадимий турларидан бири ҳисобланади. Мебел инсон атрофидаги маиший шарт-шароитларни тўлдириш ва янада яхшилаш учун йўналтирилган. Шу билан бир қаторда, даврларнинг ижтимоий ҳолатлари ва алоқалари ҳақида ҳам қимматли ахборотларни ўзида сақлаб келади. Мебелларда қадимги меъморчилик унсурлари ўз инъикосини топгани каби, ўз навбатида мебеллар тасвирий санъатда, аниқроғи, миниатюраларда ўз аксини топган. Шундай экан, қадимги мебелларни ўрганиш ва қўллаш масаласида миниатюра асосий манбалардан бири сифатида катта аҳамият касб этади. Изланишлардан маълум бўлишича, қадимда мусулмонлар ҳаётида мебел катта ўрин эгалламаган, чунки шарқ аҳолиси ўтириш ва ётиш учун гиламлардан ва шойи матолардан тикилган тўшаклардан фойдаланганлар. Бунинг сабабларидан яна бири Ўрта Осиё иқлими шароити, бу ерда ўрмонзорларнинг тақчиллигидир. Айнан шу сабабга кўра мебеллар қимматбаҳо бўлиб, бу санъат асарлари бой хонадонлар кўрки бўлиб келган. Демак, ниҳоятда кам бўлган. Миниатюраларда эса мебеллар ўсимликлардан, атроф-муҳитдан фарқли ўлароқ шартли тасвирга эмас, балки меъморчилик, либос, мусиқа асбоблари каби реалистик, аниқ тасвирга эга. XV-XVIII ва XIX аср боши миниатюра намуналарини ўрганиш жараёнида уй жиҳозлари эволюциясини кузатишга мушарраф бўлдик. Кузатиш асносида мебелларнинг тахтлар, хонтахталар, зинапоялар ва токчалар каби турларидан фойдаланилгани маълум бўлди. Тахтлар икки турли бўлган: тўртбурчак ва олти қиррали. Улар турли нақшлар билан безатилиб, меъморчиликка монанд бўлган зинапоялар эса тахталарнинг ажралмас қисми ҳисобланган. Зинапояларга ҳам нақшлар ўйиб ишланар эди. Асосан тўғри тўртбурчак шаклидаги зинапоялар кенг тарқалган. Хонтахталар ихчам ва паст бўлиб, ўйма нақшлар билан безатилар эди. Уларнинг шакли думалоқ, тўрт, олти, саккиз қиррали бўлган.

Мебеллар қопламаси сифатида тери ва тилласуви ишлатилган. Уларнинг нақшлари жуда сержило бўлиб, ҳамма вақт ўзига жалб этган.

Хулоса қилиб айтиш мумкин, музейларимиз залларида намойиш этилган, усталар қўли билан яратилган ўша давр буюмлари, хусусан, хонтахталар ва токчаларнинг ишланиши, безатилишидан ҳозирги уй-жиҳозларини тайёрлашда фойдаланилса, шубҳасиз, хонадонларимизда миллий ўзига хослик вужудга келади.

**Лола ПЎЛАТОВА**

## ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ

Жамоатчилик фикри жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, давлат сиёсати хусусидаги умумий муносабатларни таркиб топтириш, серқирра турмуш тарзи жараёнларини ва халқ маънавий оламини умуммаъқул меъёрларда ташкил этиш ва уни муайян маромларда йўналтиришда устивор ижтимоий мавқега эгадир. Шу боисдан ҳам Президентимиз Ислом Каримов имзоси билан ҳуқуқий тарбияни такомиллаштириш ва жамоатчилик фикрини ўрганиш борасида махсус фармон қабул қилиниши бежиз эмас. Бинобарин, жамоатчилик фикри ижтимоий онгнинг таркибий қисми, жамият фикрининг фаол ва кенг кўламли намоён бўлиш шакли ҳисобланади. У жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаёти масалаларига доир қарашларнинг ўзига хос ифодаси сифатида узоқ тарихий тараққиёт давомида шакллангандир.

Ижтимоий жамоа тузуми даврида жамоатчилик фикри кишиларнинг жамоавий бирлашувига бўлган ҳаётий эҳтиёжлари маҳсули, уларнинг биргаликда амалга оширилувчи фаолиятлари ва якдил ҳаракатларининг маънавий-ғоявий асоси сифатида юзага келган эди. Бу даврдаги жамоа-уруғлар фикри ўзининг маънавий-интеллектуал даражаси, ифодавий шакллари жиҳатидан примитив хусусиятга эга бўлиб, муайян аниқ фаолият ва такрорланувчи ҳаракатларни амалга оширишга мўлжалланган ҳамда тазйиқий-йўналтирувчи мазмун доирасида чекланган эди.

Жамият ҳаётининг тобора табақалашуви, синфлар ва имтиёзли гуруҳларнинг тарих саҳнасига кириб келиши ва мустаҳкам илдиз ота бориши туфайли жамоатчилик фикри ҳам мазмун ва шакл жиҳатларидан таранглашиб, аҳамият кўламлари кенгая борди: Ибтидоий жамоа давридаги якдил, умумуруғ нуқтаи назарлари ўрнига бир минтақада яшовчи, бир тилда сўзлашиб, бир хил анъаналарга риоя қилувчи халқлар, элатлар оиласида ўзаро зиддиятли фикр-қарашлар ва синфлар, табақаларнинг шу қарашлар негизида шаклланган, реал ҳаёт жараёнларига хос бўлган ижтимоий фикрлари юзага келди.

Инсон табиатига хос хусусият — имконият доираси қанчалик тор бўлса, уни тобора кенгайтиришга бўлган эҳтиёжнинг шунчалик кучлилиги — табақавий ижтимоий фикрлар антагонизимига олиб келди. Кишилик жамияти ўзининг минг-минг йиллик тарихий тараққиёти давомида аслида босқинчилик, истиловий жангу жадаллардан кўра, ўзаро фуқаровий урушлардан кўпроқ талофат кўрди. Бундай урушларни тахт учун, насл-насабларнинг пасайган мавқеини тиклаш учун ёки қандай бўлмасин, бошқа бир мақсадларга эришиш учун олиб борилган кураш деб таърифламайлик, моҳият-маъносига кўра, бу талашув, тортишувлар, ўзаро қирғин-баротлар негизида исёнкор ва яратувчи жамоатчилик фикрининг қудратли кучи ётганлигини унутмаслик керак.

Жамоатчилик фикрининг инсонлар аниқ ҳаёти жараёнларининг инъикоси тариқасида намоён бўлиши ва ижтимоий тараққиётнинг муҳим ҳаракатлантирувчи кучи сифатида катта аҳамиятга эгалиги жамиятнинг зиёли ва илғор аҳлига тобора аёнлаша борди. Шу кучни жиловлаш, муайян мақсадларга хизмат қилдириш жамики ҳукмдорлар, императорлар ва амирлар учун ўз жамиятларини бошқариш жараёнларида асосий тамойиллардан бири бўлиб келди. Кишилик тарихи давомида жамоатчилик фикрини восита ёки мақсадга айлантирмасдан туриб, бирор-бир оламшумул воқеанинг амалга оширилганлигини эслаш ўта мушкулдир.

XX асрнинг энг улуғвор ва оламшумул воқеалари туркумига кирувчи ҳодиса — собиқ Совет Иттифоқида 70 йил давомида социалистик тузум ўрнатишга бўлган уринишлар барбод бўлиши, бу империянинг бирварақайига парчаланиб, қатор мустақил давлатларнинг юзага келиши, жаҳон халқлари тарихида жирканч колониализм сиёсатининг таназзулга учраши ижтимоий-сиёсий жиҳатдан пишиб етилган жамоатчилик фикрининг маҳсулларидир, десак, хато бўлмас. Сўнгги вақтларда айрим ажнабий маддоҳлар озодликка чиққан халқларни зўрлаб бўлса-да, империализмга қайтаришга жон-жаҳдлари билан уринмоқдалар. Мустақиллик тарихнинг бир ўйини, тасодифий ҳодиса деб баҳолаб, миллатлар орасига адоват уруғини сочишга шайланмоқдалар. Уларнинг бундай хатти-ҳаракатлари жамият тараққиёти ва ижтимоий фикр жараёнини атайин соддалаштиришга уриниш ёки ҳаёт қонунлари ривожини тушунмасликдан ўзга нарса эмас.

Жамоатчилик фикрига жиддий ёндошмаслик мисли кўрилмаган фожеавий оқибатларга олиб келиши шубҳасиздир. Жамиятнинг табиий оқимини тадрижий такомиллашув асосларида ривожлантириш эмас, балки зўрлик билан бир зумда инқилобий ўзгартиришга уриниш, одатий, фуқаровий урушларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Зеро, жамики инқилоблар фуқаролар уруши дебочаси ва негизидир.

Донишманд ва қадимий Турон ўлкаси — Ўзбекистонда мустақиллик қадам-бақадам, жамоатчилик фикри пишиб етилиши асосида, ижтимоий онгдаги мустақиллик ғоясининг эволюцион тарзда ўсиб-ривожланиб, кишилар онгида реал моддий кучга айлана бориши алфозларида қўлга киритилди. Ватанимиз мустақиллиги жамоатчилик фикри қонуниятларини чуқур англаган моҳир сиёсат соҳиблари донишмандлигининг самараси, Аллоҳнинг карами ва халқимизнинг улкан ғалабасидир.

Ватан мустақиллигини сақлаш ва мустаҳкамлашда жамоатчилик фикри янада катта аҳамиятга эга. У халқимиз озодлиги, адолатли, нурли, истиқболли, фаровон ҳаёт посбони сифатида янги мазмун ва кўринишларда намоён бўлиши ва ана шу муқаддас мақсадлар йўлида хизмат қилиши тайиндир.

Жамоатчилик фикри ўз моҳиятига кўра ижтимоий муносабатлар ҳосиласи сифатида жамиятнинг ижтимоий-тарихий ҳолатига мувофиқ ҳодисадир. У жамиятнинг ўзига хос образи, реал ифодаси бўлиб, шу жамиятга хос жамики хусусиятларни ўзида акс эттиради.

Жамоатчилик фикрининг муҳим функцияларидан саналмиш тарбия ва умуминсоний қадриятли мақсадлар сари халқни йўналтириш вазифалари янги серқирра мазмун касб эта бошлади. Агар тоталитар тузум даврида жамоатчилик фикрининг асосий йўналиши шахсни коллектив орқали ва фақат коллективда баҳолаш бўлиб келган ва унинг назарий асослари ана шу йўналишда атрофлича ишлаб чиқилган бўлса, истиқлол йўлига кирган мамлакатимизда кенг халқ оммасининг катта долзарб ижтимоий-сиёсий масалаларга муносабати ўрганилиб, халқнинг фикр қарашлари давлат сиёсатини белгилашда муҳим асос сифатида хизмат қила бошлади.

Жамоатчилик фикрининг яна бир муҳим йўналиши меҳнаткашларнинг давлат ва жамоат ташкилотларига мурожаат тарзида муносабат изҳор этишларида намоён бўлади. Мурожаат мазмуний табиатига кўра масалага тазйиқий ёндошув бўлмасдан, бирор-бир муҳим масалага давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари эътиборини жалб этиш, муаммога адолат ёки тезкорлик талаблари асосида аҳамият бериш хусусидаги халқ ташвишидан яралган таклиф-тавсиялардан иборатдир. Мурожаат меҳнаткашларнинг жамоавий хатлари, мажлислар, конференциялар қарорлари, оғзаки чиқишларида ўз ифодасини топади. Жамоатчилик фикри ифодасининг бундай шакли ижтимоий ҳодисалар ривожи ёки бошқариш услублари мазмунига эътироз ёки эътироф тарзида бўлиб, бу борадаги омма муносабати ўзининг мантиқий асосланганлиги, ихчамлиги ва масала ечимига ишоравий хусусияти билан ажралиб туради.

Хуллас, жамоатчилик фикри ҳамма даврлар ва салтанатлар, катта ва кичик халқлар, алоҳида шахслар тақдирини белгилашда, аҳиллик ва адолатнинг қарор топишида муҳим омил, битмас-туганмас қудратга эга куч ҳисобланиб келган. Масалага ана шу нуқтаи назардан қараганда, жумҳуриятимизда ҳуқуқий тарбияни такомиллаштириш ва жамоатчилик фикрини ўрганишга тааллуқли махсус фармон қабул қилинганлиги муҳим аҳамиятга эгадир.

**Мансур БЕКМУРОДОВ,**
**А. Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институти декани**

## ОЛИМ, ЖУРНАЛИСТ, ТАРЖИМОН

Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университетининг мударриси, олим, журналист ва таржимон Анвар Каримовни жамоатчилик маданиятимиз жонкуярларидан бири сифатида билади. У ўзбек радиоси ва телевидениеси тадқиқотчиси ҳамда танқидчиси сифатида танилган. Жумҳуриятимизда оммавий ахборот воситалари равнақи, юқори малакали журналист мутахассислар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшиб келаётир.

*Қутлаймиз!*



Зиёлилар хонадонида камол топиб, вояга етган А. Каримов ёшлигидан ўқишда, хизматда, жамоат ишларида тенгдошларига ибрат бўлди. Тошкент давлат университетини муваффақиятли тугатиб, жумҳурият ойнаи жаҳонида турли лавозимларда ишлаб, «Студентлик — олтин даврим», «Ғазалхон ёшлигим», «Олим бўлсанг — олам сеники», «Она шаҳрим — Тошкентим», «Азамат ўлка ёшлари», «Ғунча» каби ўнлаб телевизион журналлар ва туркум кўрсатувлар ташкил этди. Телевизион очерк, лавҳа, ранг-баранг кўрсатувлар, телефилм, видеофилмлар муаллифи бўлди. Фанда илмий мактаб яратган йигирмага яқин алломалар ҳақидаги ҳужжатли кинофилмларга сценарийлар ёзди.

А. Каримов Ўзбекистонда телевидение ва радио танқидчилигига асос солганлардан бири. Ўзбекистон радиоси ва телевидениеси тарихи, назарияси ва амалиёти, ўзбек киносига оид 3 китоб, 600 дан ортиқ мақолалари эълон қилинган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, унинг илк мақолалари бундан 35 йил муқаддам қўлингиздаги газета саҳифаларида босилиб чиққан эди. Бу даргоҳда ижодий мактабни ўтаган, журналистик маҳоратни пухта эгаллаганди.

А. Каримов кейинги қирқ йилдан буён жумҳурият оммавий ахборот воситаларида фаол қатнашиб келади. Мустақиллик даврида жумҳурият радиоси орқали унинг ижтимоий-сиёсий, маънавият ва маърифат мавзуларидаги «Сиёсий портретга чизгилар», «Ҳар бола — бир дунё», «Амир Темур сиймоси», «Жума ўгитлари», «Фан дарғалари» туркум эшиттиришлари, сиёсий ва халқаро масалалар бўйича шарҳлари мунтазам янграб турибди.

Талабалик давридан бошлаб бадиий ижод билан ҳам шуғулланиб келаётган олим Европа, Осиё, Африка адибларининг ҳикоялари, роман ва қиссаларини ўзбек китобхонларига етказишда самарали меҳнат қилаётир. Улар орасида Ж. Неру, П. Чанд, М. Горький, Э. Войнич, Р. Киплинг, О. Гончар, Р. Бредбери ва бошқалар бор.

А. Каримов 30 йилдан буён ТошДУ журналистика факултетида юқори малакали журналист мутахассислар тайёрлашга салмоқли ҳисса қўшиб келаётир. Бу даргоҳда доцент, факултет декани, 14 йил давомида телевидение ва радиоэшиттириш кафедраси мудири лавозимларида ишлади. Телевизион ва радиожурналистика асослари, Ўзбекистон радиоси ва телевидениеси тарихи, журналистнинг касбий одоб-ахлоқи умумий предметлари ҳамда махсус курслардан назарий ва амалий машғулотлар олиб боради. Унинг педагогик маҳорати эътироф этилиб олий таълим аълочиси унвони берилган. Унинг раҳбарлигида ўнга яқин иқтидорли ёшлар номзодлик, докторлик диссертацияларини ҳимояга қўйдилар. Ҳозирги кунда у киши журналистика факултетининг халқаро бўлимига раҳбарлик қиляпти..

Фидойи инсон, жонкуяр устоз ва ижодкор Анвар Каримовни муборак 60 ёши билан қутлаб, соғлик-саломатлик тилаймиз. Имонингиз мустаҳкам, умрингиз зиёда, ижодингиз баракали бўлсин.

**Беккул ЭГАМҚУЛОВ**

## ТАРИХ ВА ТАҚДИР

## ЖАДИД МАКТАБЛАРИ ҚАНДАЙ БЎЛГАН?

*ёхуд XIX аср охири — XX аср бошларида Туркистон бошланғич мактабларидаги ислоҳотчилик ҳаракатлари ҳақида*

Жамият тараққиётнинг қуйи босқичидан юқорироқ босқичига ўтиши учун шарт-шароитлар етилган пайтда турли ижтимоий ҳаракатлар авж олиб кетади. Натижада ижтимоий инқилоблар ёки ислоҳотлар амалга ошади. XIX аср охири — XX аср бошларида Туркистон ўлкасида пайдо бўлган жадидчилик ҳаракати ҳам ана шу тарзда етилиб, тарих майдонига чиққан маърифатпарварона ислоҳотчилик оқимларидан бири эди.

Маълумки, иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш учун халқ маънавий маданиятининг ўзи етарли эмас, бунинг учун унинг моддий маданият даражасини ҳам кўтариш зарур бўлади. Бундай ҳолда халқ таълимини ислоҳ қилиш эҳтиёжи биринчи ўринга чиқади. Чор Россияси Туркистонни истило қилгандан кейин маҳаллий илғор зиёлилар ўлка иқтисодий жиҳатдан Овруподан, жумладан, Россия давлатидан анча орқада қолиб кетганлигини чуқур ҳис қилдилар. Бу муаммонинг ечимини, чоризм маъмурлари зимдан юритган сиёсатдан фарқли ўлароқ, қадимдан мавжуд бўлган ва чуқур шарқона маънавий таълим-тарбияга асосланган маҳаллий мактаблардаги таълим-тарбия жараёнига Оврупонинг техник маданияти ютуқларини қўшиб юборишда ва уйғунлаштиришда, маҳаллий халқларни юксак даражада маданиятли қилишда, Туркистонни иқтисодий жиҳатдан ривожланган илғор давлатлар қаторига олиб чиқишда деб билдилар.

Шу мақсадда Туркия ва Миср каби мамлакатларда ҳукумат, чор Россиясининг Қрим, Волгабўйи, Озарбойжон каби туркийзабон аҳоли яшайдиган минтақаларида демократлар амалга ошираётган маорифий ислоҳотлардан ўрнак олдилар. Ана шунинг самараси сифатида 1893 йили Самарқандда дастлабки жадид мактаби пайдо бўлди. Унга Россияда биринчилардан бўлиб туркий тилда янги усулдаги мусулмон мактаби очган, Боқчасаройда чиқадиган «Таржумон» рўзномасининг муҳаррири, «жадидчиликнинг маънавий отаси» Мирзо Исмоилбей Ғаспирали асос солди. Шундан сўнг бундай мактаблар сони кўпая борди. Жумладан, 1879 йили Андижонда, 1898 йили Еттисув вилоятининг Тўқмоқ қишлоғида, Пржевалск шаҳрида ва бошқа жойларда янги усулдаги ўқув даргоҳлари очилди.

Татар педагоглари бошлаб берган ўлка маорифини ислоҳот қилиш ҳаракати маҳаллий зиёлилар ўртасида ҳам оммавий тус олди. Туркияда нашр этиладиган «Ҳур Туркистон учун» рўзномасида эълон қилинган «Туркистонда жадид мактаблари» мақоласида айтилишича, ўлкада маҳаллий зиёлилар томонидан очилган илк жадид мактабларидан бири 1898 йилда Қўқонда Салоҳиддин домланинг интилишлари туфайли дунёга келган. 1899 йили эса Тошкентда Маннон Қори, Андижонда Шамсиддин домла бу ташаббусни амалда қўллаб-қувватлаганлар. 1900 йили Тошкентда Мунавварқори Абдурашидхон ўғли, 1903 йили Самарқандда Маҳмудхўжа Беҳбудий томонидан ҳам ана шундай мактаблар очилган. Уларнинг ташаббуси бутун ўлкага ёйилган.

Хўш, усули жадид мактабларининг моҳиятини туркистонлик жадидлар қандай тушунганлар? Буни Оренбургда чиқадиган «Шўро» журнали Россия мусулмон мактаблари миқёсида ўтказган сўровномага наманганлик мактабдор Дадамирза Қори берган жавобдан ҳам билиш мумкин. У сўровномага: «Бошланғич мактабнинг мақсади — инсонни Қуръонда тасвирланган инсон каби қилиб тарбиялаш ва натижада бизнинг динимиз сақланишини ва миллатимизнинг мавжудлигини таъминлайдиган асосларни яратмоқда», — деб жавоб берган.

Ўша давр вақтли матбуотида мана бундай мазмундаги хабарлар тез-тез босилиб турарди: «Вожиб толеъға шукрлар бўлсинки, ушбу йигирманчи аср маданиятининг таъсири Туркистонда ҳам шароит эта бошлади, шул тариқадаки, жаҳондаги кичкина бир шаҳарда миллатимиз учун нури маорифдан баҳра олмоқ ва ижобийликни мадназар этиб, тужжор мирзо Искандарбой жаноблари ўз кисса-ҳамёнларидан харж этмоқ шарти ила уч ойлик бир мактаби ибтидоияни таъмин ва таъсис қилмоғини хабар берди» («Самарқанд», 1913 йил 30 июл).

Ўзбекистон ҳудудидаги янги усул мактаблари асосан тўрт йиллик бошланғич таълимга асосланганди. Фақат Октябр тўнтариши арафасидагина Тошкент, Қўқон, Самарқанд каби йирик шаҳарларда 6-7 йиллик юқори синфлар ҳам пайдо бўлади. Ўқиш учун ота-оналар томонидан мактабдорларга 1 сўмдан 3 сўмгача ҳақ тўланган, ўқувчиларнинг 20 фоизгача бўлган қисми бепул таълим олган.

Янги усул мактабларини қадимийча мактаблардан қуйидаги хусусиятлар ажратиб турган: уларда синф-дарс тизими жорий этилган, хат-савод товуш услубида чиқарилиб, ўқувчилар ишни ўқиш билан бир пайтда ўрганганлар; биринчи дарслик сифатида она тилидаги «Алифбо» ўқитилган; ўқув дастурига мажбурий ўқитилувчи дарслар сифатида арифметика, жўғрофиё, дунё маълумоти каби фанлар ҳам киритилган; дарс давомида айрим кўргазмавий қуроллардан фойдаланилган ҳамда гигиеник шароитлар яхшиланган.

Шу ўринда бу ислоҳотлар миллий таълимнинг ўзига хос хусусиятини, яъни ўқитув ишлари шарқона қадрият бўлмиш диний таълим-тарбия, миллий-маънавий асосларни сақлаб қолган ҳолда амалга оширилганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Негаки, жадид мактабларининг рус истилочилари очган мактаблардан устунлиги ва маҳаллий аҳоли томонидан кенг қўллаб-қувватланиши аввало ана шу негизларга бориб тақалади.

XX аср бошларидаги маҳаллий халқ таълимидаги яна бир ўзига хос жиҳатни назардан қочирмаслик керак. Аниқроғи, уларнинг барчасида ҳам юқорида санаб ўтилган янгиликлар бир хил даражада жорий этилмаган. Маълумотларга қараганда, ушбу даврда ўлкадаги янги усул мактаблари икки турга бўлинган. Биринчи турдагилари масжидлар қошида бўлиб, уларга товуш услубини қўллаш орқали янгилик киритилган. Иккинчи турдагилари рус бошланғич мактабларига яқин бўлиб, ўқитиш ва тушунтириш товуш услубига асосланганидан ташқари, уларда Оврупо мактабларидаги каби умумтаълим фанларининг асослари ҳам ўқитилган. Шунга кўра ва мактаблар ягона бошқарув марказига эга бўлмаганлиги сабабли ўқитиш турлича ўқув дастури ва турли дарсликларга таянилган ҳолда олиб борилган. Асосан дин асослари, она тили, ҳисоб (арифметика), жўғрофиё, тарих, ахлоқ дарслари ўқитилган. Айниқса, ўзбек тилини ўргатишга алоҳида эътибор берилган. 1910 йилдан бошлаб айрим мактабларда рус тили ҳам ўқитила бошланган.



Таълим ўқитувчиларнинг ўзлари танлаган дарсликлар асосида олиб борилган. Шу сабабли рўзномаларда усули жадид мактаблари учун нашр этилган дарсликлар рўйхати доимий равишда эълон қилиниб турилган. Улар кўпинча мана бундай мазмунда бўлган:

«Саидризо Ализода тарафидан ёзилган бу Туркистон ибтидоий мактабларининг биринчи синфи учун янги усул ила тартиб берилган туркча «Алифбо» ва ўқув китоби... икки ҳиссаға бўлуниб, биринчи ҳиссасида «Алифбо» ҳарфлари усули савт узра тадриж ила кўрсатилиб, қисқа-қисқа жумлалар ва турлича таркиблар ёзилгандур. Иккинчи ҳиссасида эса болаларнинг зеҳнига муносиб кичик-кичик ҳикоялар, содда ва очиқ шеърлар дарж этилган ва муносабати ила бир пора муҳим сарф қоидалари кўрсатилгандур». («Ҳуррият», 1917 йил 29 август).

Янги усул мактабларини кенг тарғиб қилиш, улардаги таълим-тарбия натижаларини омма ўртасида намойиш этиш мақсадида имтиҳон олиш маросимлари тантанали вазиятда ўтказилган. Бу ҳақда вақтли матбуотда қуйидаги каби хабарлар тез-тез чоп этилиб турган: «Самарқандда мактаби Шакурийнинг имтиҳони 11 нчи май шанбадан бошлаб уч кун соат 9 дан 10 гача давом этади ва имтиҳон мажлиси барча учун очиқдир». («Самарқанд», 1913 йил 13 апрел).

Архив ҳужжатлари ва бошқа тарихий манбалар янги усул мактаблари фақат ўғил болаларнигина эмас, балки қиз болаларни ўқитиш учун ҳам очилганлигидан гувоҳлик беради. Жумладан, Тошкентдаги Хонхўжаев, Собиржон Раҳимжонов, Сайфулмулюкова, Перовскдаги Бекбулатов, шунингдек, Қўқон, Каттақўрғон, Самарқанд каби шаҳарлардаги бир қанча мактабда қиз болалар янги услубда ўқитилганлиги ҳақидаги маълумотлар қатор манбаларда сақланиб қолган.

Октябр тўнтариши арафасида жадид мактаблари сони қанча бўлгани тўғрисида аниқ маълумотлар йўқ. Чунки бу мактаблар ўлка аҳолиси томонидан яхши қабул қилинганидан, улардаги ислоҳотлар бошқа мактабларга ҳам тарқалиб кетаётганлигидан, қолаверса, бу мактабларда миллий уйғониш белгилари борлигидан хавотирга туша бошлаган чор Россияси маъмурлари жадид мактаблари фаолиятини чеклашга ҳамда уларнинг ташаббускорларини таъқиб остига олишга интилганлар. Жумладан, 1908 йили граф К. К. Пален бошчилигидаги тафтиш комиссияси аъзолари Туркистондаги янги усул мактабларини текшириб, шундай хулосага келадилар: «Ўқув дастури ва ўқитиш жараёни ўқувчилар онгида Исломнинг улуғлиги ва қудратлилигини шакллантириш, Исломнинг ўтмишдаги мавқеини тиклаш ва мусулмон халқларини бирлаштириш ишига хизмат қилиш истагини туғдириш ғоясини мустаҳкамлаш мақсадига қаратилган». Ана шу текшириш натижалари асосида 1912 йилнинг 25 январида Туркистон генерал - губернатори Самсонов имзоси билан янги усул мактаблари учун махсус қоида жорий қилинади.

Мазкур қоидага биноан, ўлкада татар педагоглари томонидан мактаблар очиш амалда таъқиқлаб қўйилади. Маҳаллий маърифатпарварлар учун эса фақат халқ маорифи инспекторининг рухсати билангина бундай мактаблар очишга рухсат этиладиган бўлади. Бунинг учун таъсисчилар таълим олиб бориладиган дарсликлар номи кўрсатилган ўқув дастурини инспекцияга тақдим этишлари шарт эди. Қолаверса, янги усул мактабларида рус тилини ўқитиш ҳам тавсия этилганди. Бу қоидалар моҳиятан миллий онги уйғонаётган зиёлиларни «беозор йўл билан жиловлаб қўйиш»га, уларни истилочилар ҳукмига бўйсундиришга ва маърифат орқали миллий мустақилликка бўлган интилишларини сўндиришга қаратилганди. Аммо чор истилочилари бу эҳтиёт чорасини қўллаш борасида анча кечиккандилар. Сабаби, ўша пайтда маърифатпарвар татар педагоглари ташаббуси билан бошланган ислоҳотчилик ҳаракати ташаббуси аллақачон маҳаллий зиёлилар қўлига ўтиб бўлганди. Маҳаллий аҳоли орасидан янги усул мактабларининг кўпсонли ўқитувчи-мутахассислари етишиб чиққандилар. Улардан айримлари Қозонда, баъзилари Туркияда, бир қисми эса Марказий Осиё шаҳарларининг ўзида таълим олгандилар.

Зеро, ўша кезларда педагоглар тайёрлаш билан шуғулланадиган маҳаллий ва чет эллик маърифатпарвар ҳомийлар томонидан очилган ўқув-ўқитиш муассасалари анча кўпайиб, кенг фаолият кўрсата бошлаганди. Сўзимизнинг исботи сифатида ушбу манбаларга кўз югуртирайлик:

«Усули таълимдан хабардор муаллимларнинг кераклигини билиб, Самарқанд анжумани маорифи Қафқоздан усули таълимдан хабардор ва Дорилмуаллиминдан чиққан бир муаллимни талаб қилиб, Самарқандга келтурди. Бул муаллим тахминан уч ойдурким, ниҳол бозоридаги эски мактабда муаллимлар курси очиб, ўн-ўн беш нафар баъзан муаллим ва баъзан ҳаваскор талабаларни жамлаб, замонамизга лозим бўлган улум ва фунун ҳамда усули таълим дарсларига бошлагандур» («Ҳуррият», 1917 йил 25 август).

«Истанбулда янги дорилфунун хайрия йўли билан очилган, унга Миср шаҳзодаси ҳам хайрия қилган ва бу дорилфунунга бутун дунё мусулмонлари, жумладан, Русия мусулмонларидан ҳам талабалар қабул қилинади» («Самарқанд», 1913 йил 2 август).

Қисқаси, жадидларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли Октябр тўнтариши арафасида янгича усулдаги мактаблар бутун Туркистонни қамраб олди. Аммо, таассуфки, уларнинг кўпчилиги ҳукуматдан яширин ҳолда фаолият кўрсатарди. Шу сабабли, улар расмий ҳужжатларда қайд этилмаганди. Бунга Фарғона вилояти халқ таълими муассасалари инспектори О. Егоров 1910 йилда Туркистон ўлкаси халқ таълими муассасалари бош инспекторига юборган хабар яққол далил бўла олади. Унда, жумладан, шундай дейилади:

«Менга ишониб топширилган инспекцияда янги усул мактабларининг нима учун тегишли рухсатсиз очилганлиги сабабларини билмайман. Чунки, биринчидан, улар менинг Фарғона вилояти ўқув муассасалари инспектори лавозимига тайинлангунимга қадар (1908 йил 1 сентябргача) мавжуд бўлган, иккинчидан, айни пайтгача инспекция девонхонасида сақланаётган ҳужжатларда бундай мактаблар мавжудлиги ҳақида ҳеч қандай ишора берилмаган. Бу мендан аввалги инспекторнинг ушбу мактаблар мавжуд бўлганлигидан хабардор бўлганлигига шубҳа уйғотади. Уларнинг (янги усул мактабларининг) барчаси инспекция ва маъмуриятнинг розилигисиз, аҳолининг ўзи томонидан очилган. Ҳозир бизга маълум бўлишича, улардан айримлари 5, ҳатто 10 йилдан буён мавжуд».

Бинобарин, Октябр тўнтаришигача Туркистон ўлкасида мавжуд бўлган жадид мактабларининг сони ҳақида бир тўхтамга келиш қийин. Аммо бу мактабларнинг ўлкада тарқалиши ва улар сонининг ўсиб бориши ҳақида қуйидагича умумий хулоса чиқариш мумкин:

1905 йилгача Туркистон ўлкасидаги жадид мактабларининг сони нисбатан секин ўсган, 1905-1910 йиллардан бошлаб бу жараён тезлашган. Чор ҳукуматининг реакцион тадбирлари натижасида 1911-1913 йилларда ўсиш суръатлари яна пасайган ва 1913 йилдан эътиборан қайта ўса бошлаган.

XIX аср охири — XX аср бошларида рўй берган Туркистон халқ таълими тизимидаги ислоҳотчилик ҳаракатини ўрганиш бизга миллий мустақилликка интилган маърифатпарвар ота-боболаримиз маҳаллий таълимда мавжуд бўлган қолоқликларни бартараф этиш учун нималар қилганликларини, қайси қадриятларни сақлаб қолишга интилганликларини англашимизда ёрдам беради. Бу эндиликда мустақилликка эришган Ўзбекистоннинг маънавий соҳадаги миллий сиёсати учун ҳам жуда муҳимдир. Чунки аждодлар меросини ўрганиш ва унинг ижобий томонларини қадрлаш халқ таълимини такомиллаштиришга, уни мустақиллик эҳтиёжлари асосида қайта қуришга замин яратади.

**Гулнора ал-ФАРҒОНИЙ,**
**ЎзФА Тарих институти кичик илмий ходими**

## ТАФАККУР ҚАНОТЛАРИ

**Боши биринчи бетда**

бўлиб туради. Лекин ҳар қандай ҳолда ҳам бадиий жиҳатдан бўш асарлар, ҳомийси бор-ку, деган ўйда, нашр қилиниши тўғри эмас. Баъзи муаллифларда советлар давридагидек ноширга юқори ташкилотлар орқали таъсир ўтказиш одатлари ҳам йўқ эмас.

Яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ёзувчиларимиз олдида истиқлол даврини кенг кўламда, чуқур таҳлил этадиган, замонамиз талабларига тўла жавоб берадиган асарлар яратиш муаммоси мавжуд. Бу ҳақда Президентимиз ўз маърузаларида, турли анжуманларда куйиниб гапирмоқдалар. Зеро, халқимизнинг севиб ўқиладиган китобларга эҳтиёжи катта. Бу ёзувчиларнинг масъулиятини оширмоғи даркор.

Албатта, улкан ўзгаришларни, руҳимиздаги янгиланишларни қоғозга тушириш осон иш эмас. Шунга қарамай, ижодкорларимиз тинч туришгани йўқ. Улар шу ҳақда ўйлашмоқда, изланишмоқда, асарлар ёзишмоқда.

**— Инсон манфаатлари йилида истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида нима ишлар қилаяпсизлар?**

— Ёш истеъдодлар эртанги кунимиз, адабиётимиз келажаги демакдир. Бу йил, Президентимиз ташаббуси билан инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинган. Республика Давлат матбуот қўмитасининг қутлуғ бир ташаббуси ҳар қанча мақтовга лойиқ ва арзигуликдир. Гап шундаки, қўмитамиз тизимидаги ташкилотлар: ижарадаги Тошкент полиграфия комбинати, «Ўқитувчи» нашриёти, Янгийўл китоб фабрикаси, «Ўзматбуоттаъминот» бошқармалари ҳомийлигида бу йил ўттиздан зиёд ёш истеъдодларнинг илк китоблари нашрдан чиқарилмоқда. Уларнинг ҳаммаси «Истеъдод-97» рукни остида нашр этилмоқда. Ушбу китобларни бизнинг нашриёт билан «Ёзувчи» нашриёти босмага тайёрлади. Маълумки, ўтган йили ҳам «Истеъдод—96» рукнида бир қанча китоблар нашр қилинган эди. Умидимиз борки, бу яхши одат анъанага айланиб қолади.

**— Нашриёт ва «Кўзгу» газетаси ҳамкорлигида «Китоб» танлови ўтказишдан мақсад нима?**

— Ношир ва китобхон ҳамкорлиги ҳамиша муҳим масалалардан бири бўлиб келган. Маънавиятимиз омили бўлган китоб нашри учун улар бақамти, келишиб иш тутмасалар, бу йўлдаги ривожланиш суст кечиши аниқ. Шу сабабдан улар доимо бир-бирлари билан «дийдорлашиб» туришлари мақсадга мувофиқдир. Бугунги кунда биз бозор кўтарадиган китоблар чиқаришимиз лозим. Улар китобхоннинг маънавий оламини, руҳий дунёсини бойитишга хизмат қилмоғи лозим. Бунинг учун нашриётга китобхонларнинг катта ёрдами керак. Улар ноширларга қандай китобларни, кимнинг асарларини нашр қилишда маслаҳат берсалар, фойдадан холи бўлмайди. Бу китобхонлар тарафидан кўрсатилган беғараз илтифот бўлади.

**Суҳбатдош: Назира ЖЎРАЕВА**

Нормурод НОРҚОБИЛОВ

# УЛОҚҚА АЙЛАНГАН ҚИЗ

*Ҳикоя*

— Ўлдираман!

Бу ҳайқириқ янграганда кўча одамга тўла эди. Хотин-халаж бир томон, эркаклар бир томон, ўртада бўйчан, маъюс, шу билан бирга нигоҳида қатъият зуҳур этган бир қиз турарди. Эгнидаги қизғиш узун кўйлаги бензиндан намланган, оёқлари тагида яримлаган челак. Қўлида нимочиқ гугурт қутиси, букилган бармоқлари орасида «ажал чўпи», кўзи эса, эркаклар тўпида беҳуда уринаётган акасида эди. Бутун авзойидан бирон кимса яқин келса, ўзига ўт қўйиб юбориши яққол сезилиб турарди.

Қиз отасини кутмаган эди. Ота ҳайқириб даврага кирганида қаттиқ бир сесканди-ю, лекин ўзини йўқотмади. Гугурт тутган бармоқлари бежо ҳаракатланиб, яқинлашманг, деган маънода отасига тик қаради. Оқарган лаблари титраб, нимадир демоққа чоғланди.

Ота бостириб келаётган жойида таққа тўхтади. Ғазабдан қутуриш даражасига етган эса-да, қизини аланга ичида кўришни истамади. Ўзини тутиб қолишларини, қолган ҳаракатларини одамларнинг кўзи учун, шунчаки, қилмоқ истади. Унгача манови тентак қизга худо инсоф бериб қолар, деб ўйлади. Сал нарида икки норғул йигит қўлида типирчилаётган ўғлига разм солди. Алам ва номусдан қорайиб кетган йигитнинг важоҳати ёмон эди. Қўйиб берса, қизни еб-ютиб ташлагудек. Отанинг кўнглида унга нисбатан адоват қўзғалди: «Ўз фарзанди эмас-да, эмасам бунчалик осмонга сапчимасди». Аммо тек туриб бўлмасди. Тек қолса, манови одамлар эртага нима деб валдирашмайди. Зора, қаватимдагилар қимирласа, деган умидда ёнини тимирскилаб, пичоғини қидирди. Қидира туриб тағин бўкирди:

— Ўлдираман!

Яланғочланган пичоқни кўриб, ёнидагилар ҳушёр тортди. Ота бир пасда эркаклар қуршовида қолди. Кимдир билагидан маҳкам тутди, кимдир пичоғини тортиб олди. Бунга сари у баттар ирғишлади.

— Қўйворинглар, сўяман! Ўлдираман!

Ўлдириш хаёлида йўқ эса-да, ичида икки қарама-қарши куч бетиним курашарди. Бир ўйи, бор-да чавақла деса, бири, шайтонга ҳай бер, қизинг-ку, дерди. Қизини яхши кўрарди у. Даладан қайтганда кутиб оладиган ҳам, томоғига қарайдиганам шу қизи эди. Аёли то ўрнидан қўзғолгунча, қизи ҳамма нарсани тахт қилиб қўярди. Туш пайтида қизининг мана шу хилдаги меҳрибончилигию елиб-югуришлари учунгина қайноқ тупроқ кечиб, уйига қайтарди. Қизининг хизматидан ҳузурланиб, пешона ва кураклари терлаб-терлаб чой ичарди.

Бугун ҳам шу умидда уйига қайтганди. Аввало қизини омбортомдан — «уй қамоғи»дан озод этиб, икки оғизгина насиҳат қилиб қўймоқчи эди. Назарида, қизи қилмишидан пушаймон, узр сўрайдигандек эди. Бироқ ҳовлисига етиб-етмай бутунлай ўзга манзара устидан чиқди. Бошда қайсар бу қизни боплаб таъзирини бериб қўймоқчи бўлди. Бироқ унинг ажал билан юзма-юз турганини кўриб, тайсаллаб қолди.

У ўғли каби кўпам ирғишламаётган бўлса-да, лекин ўзини қутурган айиқдай тутмоқда эди. Аммо бу нарса теварагига зеҳн солишига халал бермасди.

Аёллар тўпида гумбаздай бўлиб турган аёли қироат билан қарғанар, овози баланд ҳам эмас, паст ҳам — бир хил ва бир текис эди.

Аслида аёли қизга унчалик ачинмаётган эди. Бурч важидангина тилига эрк берарди. Буни сезган отанинг томоғига ёнғоқдек нарса келиб тақалди: «Ўгайлик қурсин, — деди сассиз инграб. — Қозон бир эсада, кўнгил ҳар хил бўлиб қолавераркан-да...»

У аёлидан нигоҳ узиб, қизига кўз солди. Қиз ҳануз шу созда турар, эгни ва челакдан бензин ҳовури кўтарилар, озгина учқундан жизғанак бўлиши турган гап эди.

— Эсингни йиғ, қизим, — деди у ниҳоят, бемаъни ҳаракатдан тийиларкан, билакларини бўшатишни хаёлига келтирмаган ҳолда. — Отанг тенги одам сенга эпми? Қара, соқоли селкиллаб турибди.

Ота ўзига тенгсиган одам — Уста Расул кўча четидаги симёғоч ёнида, отининг юганидан тутган кўйи зўр хавотир оғушида турарди. Унинг хавотири қиздан эди. Агар ота-бола ғазаби ёлғиз ўзига қаратилганда ва қиз туйқусдан бу қарорга келмаганда, у бу қадар ташвиш тортмаган, ҳар неки балога пинак бузмай бет бўлаоларди. Ҳозир у ноилож аҳволда қолган, қизга яқинлашмоқнинг асло иложи йўқ, гар яқинлашса, тўдадаги йигитлар қўзғалишар, оқибат, қизнинг жонига жабр бўларди. Қиз бошдаёқ қотинсаларинг, ўзимга ўт қўяман, деб огоҳлантиргани боис, йигитлар сукутда турардилар. Фақат қишлоқ кайвониси Ашир чўтиргина оломон олдида нари-бери кезар, вазиятнинг қалтислигидан чўчирди. Ота Уста Расулни ўз тенгига менгзаган эса-да, ўртадаги тафовут катта эди. Эндигина қирқни ҳатлаган бу банда, чиройли кузалган қоп-қора соқолини демаса, ёшига нисбатан хийла ёш кўринар, келбатидан эса от ҳуркқулик эди.

— Берман кел, қизим, — деди йигитларнинг қўзғолишидан ҳадикланган Ашур чўтир, қизни челакдан узоқлаштириш ниятида. — Қўрқма, силарга ҳеч ким тегмайди. Ғинг деганига ўзим товин. Берман кел.

Қиз саркашона бош чайқаб, юзини тескари ўгирди.

— Қизим, — деди Ашур чўтир ўша-ўша босиқ оҳангда. — Ёмон ўйни хаёлингдан ҳайда-да, гапимни эшит.

Аммо жўралар қўлидан чиқолмай, гоҳ қизга, гоҳ Уста Расул томонга талпинаётган ака сўкиниб, гапни гапга қўшмасди.

— Қўйворинглар, тиккалай сўяман икковиниям!

Ашур чўтир ҳали нафасидан ўт қайтмаган дангал одам эмасми, типирчилайверганидан ғарқ терга ботган аканинг бу қилиғи охири жонига тегди.

— Бир пасга жим бўласанми, ё овозингни ўчириб қўяйми! — деди унинг қошига бориб.

— Ўлдираман! — ака лабига оқиб тушган терни пуфлади. — Тиккалай бўғизлайман!

— Улгурасан, — Ашур чўтир гарданини қашлаб, аёвсиз ёндираётган офтобга бир қараб қўйди-да, яна деди: — Ҳозирча бу ишни бизга қўйиб бер.

— Қўймайман!

Ашур чўтир кетаётган жойида кескин изига қайрилиб, йигитнинг ёқасидан тутди.

— Менга қара, шервачча! — деди таҳдид тўла оҳангда. — Сенга ўхшаган сўйғичларнинг патини кўп юлганман. Чотига чивин ёпишган тонадай типирчиламасдан, бир гапга жавоб бер. Нега синглинг уйдан безиб кетаяпти, а?

Ашур чўтирнинг гап оҳангидан ўзига нисбатан хайрихоҳликка ўхшаш нимадир ҳис этган қиз ялт этиб улар томонга боқаркан, акасини унинг чангалида кўриб, аввалига жиндек шодлангандек бўлди. Кейин акасидан еган калтакларияам эсидан чиқиб, унга ичи ачиди. Тегманг, деб бақиргиси келди. Ҳайтовур, Ашур чўтир кўпда зуғумламай, бир-икки силтов билан чекланди.

— Нега безди уйдан? — дея саволини қайтарди, қўлини бўшатмай.

— Буни ўзидан сўранг, — ака унинг чайир бармоқларидан қутулишга уринди. — Қўйворинг!

— Унда сўрашга бер-да.

— Сўяман!

— Ўчири-ий!

— Ўлдираман!

— Ҳозир қўл-оёғингни чантиб ташлайман.

— Чидаёлмайман!

— Ўлмайсан! Агар тилингни тиймасанг, ўттиз икки тишингни уриб синдираман! Аччувимни чиқарма кўп!

Ака унинг айиқ билан олишувдан қолган бўйни ва чаккасидаги узун-узун чандиқларга боқаркан, юлқинишни бас қилди. Ашур чўтир залворли одимлар билан нари кетаркан, қуёшнинг қайноқ тафтидан норозилангандай, яна кўкка қараб қўйди-да, яктагининг ёқасидан тутиб елпинди.

— Ҳўш, қизим, — деди сўнг беихтиёр гувранишга тушган отанинг биқинига бир туртиб. — Анову тусинг ўчкир чавандоз яқинда невaралик бўлганидан хабаринг борми? Бу ярамас, отагина эмас, бобо бўлди энди. Буни биларсан балки?

Қиз, биламан, деган маънода бош ирғади.

— Билсанг, яхши, — Ашур чўтир Уста Расул томонга қарамасликка тиришиб, гавдасига мос йўғон ва салобатли овозда давом этди: — Ўйлабманки, билмайсан. Билганинг-ку тузук-а, лекин... манову қилиғинг ғалати чиқаяпти-да, қизим. Аллақандай қари такани деб ёш жонингга жабр қилишинг нимаси, а? Шу дейман, сен аста ҳовлига кирақолсанг, бу билан ўзимиз секин гаплашиб қўйсак. Иккинчи дафъа ёш қизларнинг бошини айлантириб юрмасин деймиз-да, а, эна қизим?

— У кишига қотинсангиз... — Қиз ютуниб, қўлидаги гугурт қутисини очиб-ёпди. — Ҳазиллашманг мен билан, амаки.

— Қизим, миянгга иссиқ ўтганга ўхшайди, — деди Ашур чўтир янада босиқлик билан. — Салқин уйга кириб, би-ир ўйлаб кўрсанг яхши бўлармиди дейман-да.

— Ўйлаб кўрганман, амаки.

— Ўр[1] бўлма, қизим.

— Бўлганим шу.

— Ҳар ҳолда отанг тенги одамман-а?

— Ҳурмат қиламан сизни, фақат йўлимга кўндаланг бўлманг, амаки.

— Тўғаноқ бўлмоқдан худо асрасин, қизим, — гапи икки бўлаётганидан оғрингандай, Ашур чўтир хўрсиниб қўйди. — Лекин тенг-тенги билан тезак қопи билан деган гапам бор-да.

— Тенгим шу киши.

— Шу гапинг гапми, қизим?

Қиз тасдиқ маъносида бошини эгди.

Ашур чўтир ўйчан туриб қолди. Ўртага тушган оғир сукунат хотинлардан бирининг аччиқ пичинги билан бузилди. Яна ғала-ғовур кўпти. Қизнинг акаси тағин юлқуниб кўрди. Уни тезда босиб қўйдилар. Она бир меъёрда қарғанишга тушди. Энди унинг қарғишлари Уста Расулга қаратилганди.

— Бас! — Ашур чўтир ер тепиниб, ўнг қўлини баланд кўтарди.

Тағин жимлик чўкди. Кимдир пиқ этиб кулди. Ашур чўтир кулги эгасини беҳуда қидираркан, бирдан тутақиб симёғоч томонга ўгирилди.

— Уста Расул! — деди баланд овозда. — Уста бўлмай, ўл! Чавандоз номига қора тортмай, ўл! Қизни нима қип қўйдинг? Нима деб бошини айлантирдинг?

— Тўғри, устаман, озми-кўпми улоқ ҳам чопиб тураман, — деди Уста Расул иссиқдан бетоқатланаётган отини тинчитишга уриниб. — Лекин бош айлантиришни касб қилмаганман.

— Эса, бу қиз нима деяпти?

— Ҳақ гапга қийшиқ тўн бичманг, ака.

— Қизинг тенги... уялмадингми, уйинг куйгур.

— Уяладиган нима иш қипман?

— Бу нимаси энди? — Ашур чўтир қизга имо қилди.

— Бандаси кўнгил берса, мен нима қилай?

— Бу-ку ёш, сен гўрсўхтани қайси ажина чалди, а?

— Кесак эмасман-ку, ака.

— Тенгингни топсанг, ўлармидинг.

— Кўнгил-чи?

— Кўнглинг қурсин сени, — Ашур чўтир ғудраниб сўкинди. — Қараб турсам, сув сен томондан лойқаланганга ўхшайди.

— Нима деб ўйласангиз ўйлайверинг.

— Балки ими-жимида кетарсан?

— Буни ташлаб-а? — Уста Расулнинг юзи гезарди. — Агар бу, кет, деса... Яхшиси кўнгил ишига аралашманг, ака. Қишлоғингиз бир бўлиб тепкиласа-да, қайтмайман бу ишдан.

Қиз Уста Расулга миннатдор қараб қўйди. Бошқаларга яққол сезилиб турган ёшдаги фарқни у пайқамас, унинг учун дунёда Уста Расулдан навқирон, яхши одам йўқ эди. Ўзига қолса, унинг кенг кўксига бошини қўйиб, беқиёс кучини ҳис этган бўларди-ю, бунга атрофдагилар изн бермасди-да, Қизиқ, унинг туйғуси билан одамларнинг нима иши бор экан-а?!

— Қўрқмаслигингни биламан, лекин аҳмоқлигингни билмас эканман.

— Тилга эрк берманг, ака, — Уста Расулнинг овози ўзгарди. — Овга бирга чиқиб, бирга от чопган одамлармиз. Андишанинг бетига тупурманг.

— Қизинг шу куйга тушса, берармидинг?

— Берардим.

— Кап-катта одамга-я?

— Берардим, ака.

— Нега унда отасининг олдидан ўтмай, буйтиб дов тўкиб юрибсан?

— Эшитмагандай гапирманг-да энди, — Уста Расул норозиланди. — Бир эмас, бир неча марта ўтганман. Оқибати нима, қизни кишанга солиб қўйишди.

— Қутқаргани келдингми?

— Опкетгани.

— Калтак еб ўлмоқчимисан дейман?

— Еса-суягим қолади-ку... деди Уста Расул бошини сараклаётган отининг юганидан калтароқ тутаркан. — Суйдим шу қизни, ака!

— Шарм деган нарса қолмабди сенда.

— Агар ёшимни назарда тутаётган бўлсангиз, мени йигирма беш яшар чоғланг.

Қизнинг кўзига у бундан ҳам ёш кўринди.

— Бетингга бўёқ сурмайсан-ку, — Ашур чўтирнинг баттар энсаси қотди.

— Сиз қувватдан келинг, ғайратдан гапиринг.

— Ғайратингга ҳўкиз тиз чўкади. Лекин ҳар иш ҳам эви биланда.

— Нима қилай, айни қирчиллама ёшимда кўнгил маъшуқа тилади, — Уста Расул забардаст елкаларини ғалати учирди. — Билмайсиз, шу қизни деб тунлари тиконга ағанаб чиқаман. Кўнгил иши ёмон экан. Энди билсам, раҳматли кампиримга кўнгил қўймаганканман. Суярман деб ўйларканману, суйиш нелигини билмас эканман.

— Нима қил дейсан?

— Қизни беринглар менга.

Аёллар тўпидан она тилга кирди. Ўша-ўша гумбаздай бўлиб турганича сўзлар тизмасини эринмай эша бошлади.

— Суймай, илойим соқолингга ўт тушсин сени! Суйдим деган тилларингга куйдиргилар чиқсин сени! Илойим аёлингни арвоҳи чирқиллаб ёқагинангга ёпишсин сени!

Қиз ўгай онасига истеҳзоли тикилди. Унинг бу қадар туслана олишидан ажабланди.

Эркаклар қўлидан чиқишга уриниб, ўқтин-ўқтин тиршанглаб қўяётган ота қизига ғазаб билан тикиларкан, шу дамгача унча сезилмаган бир ҳолдан ажабланди.

У Уста Расулга ҳаваси келаётганини туйқусдан пайқаб қолди. Бундан қаттиқ ғижинди. Аламдан лабини тишлади. Ўзига қолса, мўйловини юларди-ю, аммо қўллари банд эди. Лекин ҳаваси келаётгани аниқ эди. Негаки, кўнгил дегани нелигини бир пайтлар бошидан кечирган. Иккинчи аёлига уйлангунча чуқурқудуқлик бир қизга кўнгил қўйган. Қиз райиш билдиргач эса, журъати етмай, тенг-тенги билан дея, Салим сариқнинг бевасига уйланганди. Қизнинг баджаҳл акаларидан ҳайиқиб, унга оғиз солишга ботинмаганди. Бу аёлидан бир неча фарзанд кўриб, ёши бир жойга етибдики, ҳануз ўша қизни эслаб, бот-бот хўрсиниб қўяди. Бироқ шу топда буни тан олгиси келмас, Уста Расул журъатини беҳаёликка йўйиб, кўзимга чўп сукди, номард, деб ич-ичидан янарди. Бу ҳол қандай содир бўлганини идрок этолмай қийналарди: «Нимадан бошланди ўзи бу? Ҳа... Уйга уста солмай мен ўлай. Ахир бутун машмаша шундан бошланмадими? Манову ярамас бир ой уйимда иш қилди. Қизим унинг нон-чойига қаради. Шунда топишган булар. Лекин қизим унинг нимасига учди экан?»

Бу савол ҳамманинг бошида айланар эди. Бундан фақат бир йигитгина мустасно, воқеа сабабини яхши биларди у. Агар айни топда, одамлар гув этиб қўзғолгудек бўлса, Уста Расулга ташланишниям-ташланмаслигиниям билмай, калласи гаранг эди. Бу йигит қизнинг собиқ синфдоши Рауф новча эди. Қизга ўнлаб мактуб ёзиб, бирор сатр жавоб ололмагани етмагандек, бир куни қўшни қишлоқлик Уста Расул қизга совчи қўйганини эшитиб, ҳайратдан донг қотиб қолганди. Уста Расулнинг қизга эгалик қила олишини тасаввурига сиғдиролмаганидек, бугунги воқеани ҳам мутлақо кутмаганди. Қаранг, устаси тушмагур қизни тутқундан халос этибгина қолмай, опкетмоқчи ҳам бўлибди. Онаси лапанглаб кўчага югуриб чиқибди-да, бошига одам йиғибди. Вазият чатоқлашганини сезган қиз кўп ўйлаб турмай, қўшнининикидан бензин олиб чиқаётган боланинг қўлидан челакни юлқиб олибди. Агар бизга яқин келсаларинг, ўзимга ўт қўяман, деб огоҳ этибди.

Рауф новча қизнинг жувонмардлигини яхши билади. Совчи воқеасидан сўнг қизга ўзича насиҳат қилгани борган. Ёлғиз жийда тагида гаплашган. Янгича урфда ўстирган узун сочларини ортга силкиб ташлаб, қизга ғоят ачиниб, Уста Расулни эса, ерга уриб деган: «Чол сенга эпми, Нозима! Шунча йигит турганда, катта ёшли одамни бошингга урасанми, тентак». Қиз уни суҳбатига арзитмай, юзини терс ўгиргач, йигит гоҳ ҳаяжонланиб, гоҳ ғазабланиб узундан-узун нутқ ирод этган, орада ўз муҳаббатини ҳам қистириб-қистириб ўтган. Қиздан садо чиқавермагач, агар устага тегсанг, униям, ўзимниям бир бало қиламан, дея оғиз кўпиртирган. Шундан сўнггина қиз унга бир ён ўгирилган, кўзлари оловланиб деган: «Қўлингдан келмайди бу иш. Жонинг ширин сени. Яхши кўраман деб чиранасану, лекин кўпроқ ўзингни яхши кўрасан. Ўзингдек, муҳаббатинг ҳам худбин. У киши эса тўғри сўз, мард одам. Эзилган қиз кимга суянади, мардга суянади».

Рауф новча қизнинг журъатию, Уста Расулнинг дадиллигидан ҳайратланиб тураркан, бу хил иш қўлидан келмаслигини сезгани сайин, уларга нисбатан хайрихоҳлиги ортиб борарди.

Бу орада Ашур чўтир асосий масалага ўтганди.



— Қиз сени деяпти. Бунга ўзинг бир нима де, Уста Расул. Ҳарна иш тинчгина ҳал бўлсин. Ўзим сенга бошқасини топиб бераман.

— Менга шуниси керак, ака.

— Орсизланма, Расул.

— Обрўйингиз бор, яхшиси, отасидан розилик олиб беринг.

— Йўқ! — Ота тук босган ингичка бўйнини олдинга чўзиб, ер депсинди.

— Бекорларни айтибсан!

Отага қизнинг раҳми келди. Аммо шафқат ҳисси қандай тез келган бўлса, шу тарзда изсиз йўқолди. Вазият ўта танг эсада, у чекинмоқни хаёлига келтирмасди. Нарида тоғдай бўлиб турган Уста Расул, уни бу тангликдан холос этиб, номаълум ва сирли келажак сари етаклай олишига ҳануз инонарди.

— Агар қиз гугурт тутмаганд-а, сен қари ошиқнинг дабдалангни чиқариб ташлардига! — деди эркаклар тўпидан кимдир.

Ашур чўтир иддаоли қараш билан эркакларни бир-бир кўздан кечириб чиққач, тағин Уста Расулга юзланди.

— Кет, Расул! — деди бир қадар жаҳлланиб. — Обрўйинг борида жўнаб қол!

— Мен обрў талаб қилиб келмадим, ака.

— Гапни кўпайтирма, кет!

— Демак... бермайсизлар?

— Йўқ, бермаймиз, — Ашур чўтир янада кескинлашди. — Чунки ота норози.

— Бу бандани ҳоли нима кечади? — Уста Расул қизга ишора қилди.

— Ёш нарса, йиғлаб-йиғлаб тинчиб кетади.

— Омбортомда-я?

— Нима омбортомда?

— Омбортомда йиғлаб-йиғлаб, а...

— Қўл тегиздирмайман. Бу ёғини менга қўйиб бер.

— Кўнгил иши нима бўлади?

— Одамни кофир қилма, Расул, — Ашур чўтир вазият таранглашаётганидан ҳадикда эди. Йигитлар яна гурпанглашга тушганини елкасида ҳис қилиб турарди. Шунингчун, кейинги гапини ўтинч тўла оҳангда айтди: — Эсли одамсан, кейин бафуржа гаплашамиз. Ҳозир кетгин, иним.

Тўдадаги ҳолат қизнинг кўз қарашларида тўла акс этиб турарди. Йигитлар тинчланганда, хотиржамланар, бежоланганда эса гугурт тутган бармоқлари асабий ҳаракатланиб, кўзларидан учқун чақнарди: «Қани бирортанг яқин келиб кўр-чи!» Бундан ота ҳам ташвишга тушди. У, ўзларингни босинглар, деган илинжда теварагидагиларга жавдираса-да, ўқтин-ўқтин тўлғаниб қўйишни барибир канда қилмасди. Ака эса, бамисоли камон ўқидек таранг турар, қани энди, манову ярамасларни кунпая-кун қилиб ташласа!

Уста Расул тўдага зимдан назар соларкан, ортиқча эзмаланиши қизга зиён етказишини англаб, оғир нигоҳини унга тикди.

— Бундай қилма, Нозима, — деди илтижоли оҳангда.

Қиз унга ажабланиб боқди: «Наҳотки иккиланаяпсиз?! Сиздай одам-а?!»

— Сен кетсанг, бари яхши бўлади, — деди бу ёқда Ашур чўтир.

Уста Расул лабларини қаттиқ қимтиганича, ерга тикилиб қолди. Сўнг аста бошини кўтариб, яна тўпга юзланди. Ҳайрихоҳ нигоҳларни қидиргандай, шу созда бир пас тик қолди. Кейин негадир, Ашур чўтирга ғалати қараш қилди-да, ўнг ён ўгирилиб, манглайини эгар қошига тиради. Чуқур нафас олди. Бақувват елкалари енгил титраб, от ёлига бармоқ ботирди. Бармоқлари тугун тортди. Жони оғриган от бетоқатланди.

Бир оздан сўнг у ҳолатини ўзгартирмаган куйи, секин бошини кўтариб, бу томон бурди. Кўзларида ёввойи ўт ёлқинланиб, нигоҳи қизда қотди. Бу ҳол узоқ давом этмади. У, кўзи қизда, енгил сакраб отга минди. Кетадиган бўлди деб, ҳамма енгил нафас олди. Қиз шўрликнинг қўллари кўксида қолди. Бармоқлари жонсизланиб, гугурт челак ёнига тушди. Катта очилган кўзлари ёшланиб, унда ўкинч ва алам акс этди. «Наҳотки?!...»

От устига бамисоли бургутдай қўнган Уста Расул дарров жўнай қолмади. Эгнидаги яктак барларини тақимига йиғиштира туриб, одамларга юзланаркан, ўктамлик барқ уриб турган чеҳрасидан қизиллик ариб, оқаринқиради. Кўз қарашларига одатдагидек мағрурлик иниб, қамчисини ўнғай тутди. Сўнг от бошини хиёл ортга бурган бўлди. У видолашаётгандек, елка оша қараб қўяркан, туйқусдан ҳайқирганча отга қамчи босди. Югани қаттиқ тортилган от юқорига сапчиркан, шу аснода чавандознинг амрига бўйсуниб, одамларга бетланди. Туёқлар зарбидан тупроқ кўпчиб, чанг кўтарилди. Уста Расул яна ҳайқирганича ўртага от солди-да ҳануз ҳайкалдай қотиб турган қизни илиб қочди.

Буни сира кутмаган эркаклар довдираб қолишди. Хотинлар қийчув кўтаришди. Қизнинг отаси анграйди. Акаси ўқдай олға ташланди-ю, бор бўйига гупиллаб тушди. Уни Рауф новча чалиб юборганди. Ашур чўтир унинг бу қилиғини маъқул топиб, киши билмас, кўз қисиб қўйди.

Бу пайтда тўриқ қир бетига ўрлаган, чавандоз яктагининг барлари қизнинг қизғиш куйлаги этагига айқашиб, шамолда ҳилпираб борарди.

---

1. ўр — ўжар.

Дилфуза НОРМУРОДОВА

# ОНАМ БИЛАН СИРЛАШАМАН

Ойдин кеча,
Оҳ... ойдин кеча.
Пинҳон азоблардан
қўрқаман ОНА!
Кўнгилочар лаҳзалар...
Бокира умиднинг
чироғи ўчар.
Беозор сукунат,
бешафқат юрак
Ишқнинг ҳамёнига
ўғирлик қилар.
Нур ила кечанинг
сирли кураши —
СУБҲИДАМ...
Япроқлар менга жўр бўлиб,
Титрайди, йиғлайди, йиғлайди.
Ойдин кеча,
Оҳ... ойдин кеча.
Пинҳон азоблардан
қўрқаман ОНА!

***

Зил-замбил умримни ортиб елкамга
Ўтиб бормоқдаман
андуҳ оралаб,
Тўзондан изларим ёпилган.
Бечора кунларим топинган,
Ўтиб бормоқдаман,
Кетиб бормоқдаман,
Сароб ўрмонига



Беиз, бенишон.
Ўзгага ҳам, ўзимга ҳам
Ҳеч нарса беролмай,
Бир сўз беролмай,
Кўнгил ишқнинг қозонида
Қоврилар таъмсиз.
Емак ҳам ҳеч кима
Насиб этмайди.
Билмак ҳам ҳеч кима
Буюрмас илло,

Қўрқаман онамнинг
нигоҳларидан
Йўқолиб кетмоққа
Номсиз, бенишон.

***

Қўрқсанг,
майли унутгил, кетгил
Тоғу тошнинг этакларига,
Хоҳласанг, ишқ йўқ,
дея битгил,
Оқар сувнинг ирмоқларига.
Қаро тунни бузсин оҳ-воҳим,
Дақиқалар
сочим силасин.
Андуҳимга
қировлар қўниб,
Тугаб битсин
кўздаги ёшим.
Қўрқсанг,
майли унутгил, кетгил
Тоғу тошнинг этакларига,
......
Мен бош олиб кетаман мағрур,
Ёлғизликнинг қучоқларига.

***

Болиш тортаверди ҳолсиз бошимни,
Сувлар ювиб кетди ҳар тонг тушимни,
Йўлингда йўқотдим ақлу ҳушимни
Сендан кечмагандим,
Кечмагандим-а...

Яккабоғнинг тулпорлари бош олиб кетди,
Париларни тош кўчада қолдириб кетди,
Йиғламадим, кўзларимда ёш қотиб кетди,
Сендан кечмагандим,
Кечмагандим-а...

Қишлоқ тупроқларин мендан қизғонди,
Ҳовлилар супурма дея зорланди,
Дугоналар сирин айтмай ийманди,
Сендан кечмагандим,
Кечмагандим-а...

Мунис-муштипарим тинглади нолам —
«Қаддингни кўтаргин, эгилма болам,
Тангри изн берсин», — эланди Энам,
Сендан кечмагандим,
Кечмагандим-а...



—Оҳ қандай мазза

